

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Чуст туман Ободонлаштириш  
бошқармаси - Танлов комиссияси  
раиси



Р.Рўзимбоев

2022 йил

2022 йил Янгиер МФЙ Фахрийлар кўчасини жорий таъмирлаш бўйича  
(танлов савдоларига кўйилган объектларнинг номи)  
ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ учун

### ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

#### I. УМУМий ҚОИДАЛАР

1.1. Танлов комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов комиссияси коллегиял орган бўлиб (доимий ёки вақтинчалик ишчи орган) танлов савдоларининг асосий қатнашчиси ҳисобланади.

#### II. Танлов комиссиясининг иш фаолиятини ташкил этиш

2.1. Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини кўриб чиқади;

2.2. Танлов комиссияси аъзоларининг танловда 60%дан кам бўлмаган қисми овоз берса танлов комиссияси қабул қилган қарор мувофиқ деб ҳисобланади.

2.3. Таклифларни танловга эълон берилгандан 5 (беш) иш кунидан сўнг, комиссия аъзолари кўриб чиқилади.

2.4. Танлов комиссияси танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади.

2.5. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

2.6. Танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

2.7. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан таклифлар бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги маълумотлар қатъий равишда махфий ва ошкор этилиши шарт эмас.

2.8. Танловни ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича қарор танлов таклифларини кўриб чиқилгандан кейин танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

2.9. Оферент томонидан жойланган ҳужжатларни комиссия вакиллари томонидан ўрганиш ва баҳолаш “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонунига асосан товар хом-ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталида ўтказилади.

2.10. Комиссия аъзоси иккинчи шахсга ташкилот раҳбари номидан берилган ишончнома асосида комиссия ишида иштирок этадиган мутахассисга ўз ваколатини бериши мумкин.

### **III. Танлов ҳужжатлари ҳамда малака талабларига қўйиладиган шартлар ва талаблар**

- 3.1. Танлов ҳужжатлари сканерланган ҳамда тасдиқланган ҳолда “etender.uzex.uz” порталига жойлаштирилади.
- 3.2. Танлов ҳужжатлари уни ўрганишда ва танлов таклифини тайёрлашда ҳар томонлама тушунарли ҳолда тайёрланган бўлиши керак.
- 3.3. Лойихачиларни консорциум ва бошқа кўринишдаги бирлашмаларини танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қуйилмайди.
- 3.4. Танлов ҳужжатлари ўзбек тилида тайёрланади.
- 3.5. Барча танлов ҳужжатлари ва танлов буюртмалари ўзбек ёки рус тилида тақдим қилиниши мумкин.
- 3.6. Шартнома ўзбек тилида тайёрланади.
- 3.7. Таклифларни танловга эълон берилгандан 5 (беш) иш кунидан сўнг, комиссия аъзолари кўриб чиқилади.
- 3.8. танлов иштирокчилари қурилиш фаолияти билан шуғулланишга тегишли лицензияга эга бўлган бўлиши лозим.
- 3.9. Танлов иштирокчиси томонидан қурилиш ишлари учун тегишли ҳужжат (низом ва гувоҳнома) ни тақдим этиши шарт.
- 3.10. Танлов ҳужжатлари асосида тузилган шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган Фуқаролик кодексининг умумий тамойилларига, хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий ҳуқуқий асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.
- 3.11. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, қўйилган талабларга жавоб бериши керак.
- 3.12. Танловда, қайта ташкил этилаётган ёки банкротлик ҳолатидаги қурилиш ташкилотларининг иштирок этиши мумкин эмас.

### **IV. Танлов таклифига киритилган ҳужжатлар**

- 4.1. Ташкилотнинг ташкилий структураси ва ташкилот ҳақида умумий маълумотлар.
- 4.2. 3 йиллик молиявий натижалар тўғрисида маълумот
- 4.3. Танлов иштирокчисининг охириги уч йилда (2019-2020-2021) бажарган ишлари бўйича иш тажрибаси
- 4.4. Мавжуд машина ва механизмлар ва бошқалар рўйхати
- 4.5. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги
- 4.6. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойихани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома
- 4.7. Пудратчи ташкилотининг лойиха-сметадаги бажариладиган ишлар сифати ва муддати учун кафолат хати тасдиқланган ҳолда

### **V. Таклифни муҳрлаш ва тақдим этиш**

- 5.1. Ҳужжатлар имзоланган ва муҳрланган нусхалари электрон равишда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталига жойлаштирилади.
- 5.2. Таклифлар ва ҳужжатлар талаб қилинган ҳолатда бўлмаса кўриб чиқилмайди.

### **VI. Комиссия ишини бошлаш, танлов таклифларини очиш ва баҳолаш**

- 6.1. Танлов Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталида ўтказилади:
- 6.2. Иштирокчилар таклифлари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталида кўриб чиқилади.

6.3. Танлов комиссияси иштирокчиларни тақдим этган ҳужжатларини ва таклифларини кўриб чиқади, уларни тўғри тўлдирилганлиги, ҳужжатларни электрон нусхалари ҳақиқийлиги, тўғри имзоланганлиги ва умумий ҳолат бўйича таклифларни кўриб чиқади.

6.4. Танловга киритилмаган ёки дисквалификация қилинган таклиф иштирокчиларини сабабини кўрсатган ҳолда танловдан четлаштирилади.

6.5. Танлов комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

6.6. Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлса комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

## VII. Танлов иштирокчиларини баҳолаш

7.1. Танлов ғолибини аниқлашда танлов иштирокчиси томонидан тўлдирилган ва тақдим этилган шакллар ўрганиб чиқилади.

7.2. Танлов комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси "etender.uzex.uz" порталида ўз шахсий кабинетидан баҳолайди ва тасдиқлайди. (Ўзининг шахсий фикри билан) (намуна 1-жадвалда келтирилган.)

7.3. Зарур бўлган ҳолларда танлов комиссияси комиссия таркибидан, компания бўлимларидан ёки тегишли бошқа малакали мутахассислардан жалб қилган ҳолда ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва хулоса киритиш учун баҳолаш гуруҳи тузишга ҳақлидир.

1-жадвал

\_\_\_\_\_ объектлар бўйича таклиф ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник баҳолаш варағи

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	шакл №	Баллар миқдори	Оферентлар			
				№1	№2	№3	...
1	Ташкилотнинг ташкилий структураси						
2	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар						
3	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи						
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси						
5	Машина ва механизмлар рўйхати						
6	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот						
7	Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома						

## VIII. Танлов таклифларини баҳолаш меъзонлари

8.1. Танлов ҳужжатида ҳар бир параметр бўйича мажбурий тартибда баҳолаш меъзонлари киритилиши керак.

\* 3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик "Молиявий натижалар №1 ва №2" илова қилинади. механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектларининг баҳолаш яқунларига кўра 70 баллдан кам балл тўпласа, мукамал таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган хужжатлар кўриб чиқилмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари қуйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий ҳисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

Танлов бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.

Танлов ғолибига тўловлар тузилган шартнома асосан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўм)да тўлаб берилади.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

Ташкилот \_\_\_\_\_ нинг ташкилий структураси

\_\_\_\_\_  
(ташкilot номи)

Ушбуни тузилган сана: « \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ г.

\_\_\_\_\_  
(Исми ва фамилияси)

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_  
 Иштирокчи раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми \_\_\_\_\_  
 Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_  
 Юридик мақоми \_\_\_\_\_  
 Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) \_\_\_\_\_  
 Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

### Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

Тартиб Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишдаги иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишда иш тажрибаси (йил)	Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

### Донмий ишчи ходимлар (ишчилар)

Т/р	Мутахассисликлар номи	Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича	Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи хужжати борлари	Улардан (4-устундан) Қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари
1	2	3	4	5
	Жами			
	Шу жумладан:			
	Бетончилар _____ разрядли			
	Ғишт терувчилар _____ разрядли			
	Том курувчилар _____ разрядли			
	Пайвандчилар _____ разрядли			
	Сантехниклар _____ разрядли			
	Дурадгорлар _____ разрядли			
	ва бошқалар			

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳ:** Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

**2 - ШАКЛ**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**  
(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(танлов иштирокчисининг номи)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
<b>Узоқ муддатли активлар</b>				<b>Ўз маблағлари манбаи</b>			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
<b>Жорий активлар</b>				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**

Номи	2019 й	2020 й	2021 й	Номи	2019 й	2020 й	2021 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловигача фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиғи				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси \_\_\_\_\_  
Охириги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми? \_\_\_\_\_

**Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот**

		Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари										
СТИР	Қурилиш ташкилоти тоифаси	Асосий воситалар қолдиқ қиймати (баланс) Ф-1, 012-сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =5/(6-7)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (020) = (9+10+11-12)/13	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390-сатр	770-сатр	490-сатр		480-сатр	570-сатр	580-сатр	130-сатр	390-сатр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}, \text{ бунда:}$$

**A2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}, \text{ бунда:}$$

**A1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу қасрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Мухр ўрни

Сана: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.



**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА  
Фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати**

Т/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансда ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ</b>							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						
<b>КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР</b>							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. 8 устунга қурилиш техникасининг танлов иштирокчиси балансда эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ  
КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О, лавозими.)

\_\_\_\_\_ томонидан 20\_\_ йил  
\_\_\_\_\_ да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

- а) танлов ҳужжатларини;
- б) лойиҳа ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

**Изоҳ:** Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, кириш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино ва иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар қурилиш генплани кўринишида тақдим этилади.

Қатнашчининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О) \_\_\_\_\_ ИМЗО

Буюртмачининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О) \_\_\_\_\_ ИМЗО

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.